

Қўлдам нафат бободоҳонни, балки бутун шаҳарликларни ҳам меҳнат қучоғига қорайди. Шаҳаримизда ҳар йили март ва апрель оралиғида ободонлаштириш, қўлдамзорлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш бўйича баҳорги ойлик ўтказилиши ҳам мана шундан.

Анъанавга кўра бу йил ҳам шундай тадбир белгиланди. Топикент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасидан хабар қилишларича ойлик икки босқичда ўтади. Биринчи босқич юмшларни 15 мартга давом этиб, оунда асосан «Наврўз» ҳақи байрамга тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Ойлик давомда 21 минг тул мева, 31,4 минг тул манзарали дархт кўчатлари, 113,3 минг тул бутта ўтказилади. Албатта бундай катта ваъфани амалга ошириш биргина ободонлаштирувчиларнинг қўлидан келмайди. Шунинг учун бу ишга туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, трест, корхона ва ташкилотлар, қўлаверса бутун меҳнат жамоалари, маҳалла ва мазеелар аҳолиси жалб этилди. Хуллас, баҳор ҳаммамизни меҳнат қучоғига қорайди.

Халқимизда «Ободончилик маҳалладан бошланади» деган гап бор. Аслида ҳам бу азалдан давом этиб келатган русум. Минг афсуслар бўлисини, кейинги вақтларда бу яхши одатдан негандир бош узоқлашди. Ҳозир гап бунинг сабабини қидириб ўтиришда эмас, балки минг йиллардан бери ота-боболаримиз томонидан эъзозланиб келинган бу анъанави давом этиришда. Қўлаверса бу русум Абдулла Азизов, 1-Янқасаров, Абдулҳақ Тоқиев, Форобий, Бодомов, Ўзбекистон мустақиллиги, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев каби маҳаллаларда ҳали ҳам давом этилган.

* Ободонлаштириш ва қўлакамзорлаштириш ойлиги

Кўпдан иш қочиб қўтулмайди

Агар маҳалла аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб ўз худудини ораста ва озода бўлиши учун фидойилик қилмас экан, биргина ободонлаштирувчиларнинг саяён ҳаракатлари билан барча ишлари амалга ошириш мумкин. Шаҳаримизда 470 та маҳалла бор. Агар ойлик давомда ўтказилган нав-нҳоллар хонадон бошига иккитадан тўғри келса борми, ишончимиз қомилки, яқин беш йил ичида барча маҳаллаларнинг кўчалари боғ-роғларга бурнаниб кетади. Ворию, шунча хонадон ўз олдидан йўлга ва майдончаларини тартибли сақлашга бек бўлгасанми? Ҳўш, бу ушнинг нимаси қийин? Ўша хонадонларда яшовчи оила аъзоларидан биттаси ҳар куну кўча-кўйини супуриб-сидирса ҳамма ёқ ёғ тушса ялагудек бўлиб кетмайдими? Қўлакам бўладиган иш бу.

Биз шаҳаримизнинг бир қатор кўча ва маҳаллаларида бўлди. Жўйларда олиб борилаётган ибратли ишлар билан бир қаторда хуноқ манзараларга ҳам дуч келдик. Кунин кеча ошқор қор билан қопланган кўчалар юзиданги ўйим-чурқилар, ифлосликлар, ҳас-ҳўллар бутун қуёш тафтидан сўғ яққол кўзга ташланади қолди. Қарангки, мана дилини хира қиладиган жойларнинг шундоқ энгинасида бирор корхона, ташкилот, муассаса ё бўлмаса кўп қаватли уйлар, хонадонлар бор. Бу жамоаларда минглаб одамлар ишлашади. Уйларда аса юзлаб оилалар яшашади. Улар ҳар куну шу йўлдан юришади. Шу ариқ устидан ўтишади. Наҳотки бундай ноҳуш манзара ҳеч кимнинг гашини келтирмаса?

Мисол учун биргина Уста Ширин кўчасини олайлик. Кўча гўё икки қисмга бўлингандек. Унинг «Янги ариқ» маҳалласи томони анча батариб, озода. Чунурсой қисмида аса бутунлай бошқа кўриниш. Йўл чеккасиданги ариқчалар ахлат билан тўлган. Бу ариқчалар баҳор суви тугул оқана ҳам нари-бери юрмайди. Таассуфки, шу йўлнинг икки четиде аса экскаватор тажриба-меҳаника заводи, геология-қидирув, «Минқоз» ишлаб чиқариш, бирлашмалари, пиллакашилик фабрикаси ва айна биз тилга олган бошқа қатор корхона, ташкилотлар ёнма-ён жойлашган. Агар улар кичик бир хашар уюштиришса, бир ёки ариқ соат ўртасида битида бу ишлар. Бошқа кўчалар ҳақида ҳам шу гаши айтиш мумкин.

Шу куну геология-қидирув заводи ошиги олдида ишга шомилиб бораётган ўрта ёшли ишчин тўхтади: ундан: «Корхона атрофиданги кўча ва ариқларни ифлослигига қандай қарайсиз?» қабилда гап қилди. Шунда у: «Очиги ўзим ҳам уламман, бундай кўринишдан. Таъминот йўқ деб қанадандан-қанча вақтларимизни бекор ўтказамиз. Шунда бир соат хашар уюштирсак олам гулистон. Лекин раҳбарлар бошимизни қовуштирмагандан кейин бизга нима деб йўлимизга кетаверамиз?» деган гапларни айтди. Кўриб турибсизки, ўз корхонаси худудини бутунги қиришидан улайдиган одамлар бор. Лекин уларга бош-қош бўладиганлар кам.

Биз Сағбон, Қўштут, Вокзалорчи кўчаларини кегагинида ҳайдовчиларнинг ҳақли эътирозларига дуч келдик. Улар йўллардаги итотенликлардан ноқилиди. Чиндан ҳам бу кўчаларнинг ҳолати ўша ёмон, қандай қараман ўйди-чўқуриллар. Улардан машиналарни юрак ҳучулаб олиб ўтасиз.

Кўриб турибсизки, ушбу ойланда ҳам ободончиларга иш етарли. Улар диққати биринчи навбатда мана шунча асосий ишларга қаратилиши керак. Қолган иш-чир-кир юмшларини аса бақаринишга ўзимизнинг қўлимиз етади. Бунинг учун бўйруқ ҳам кўтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Шундай қилсак меҳнатимизнинг қадрига етатидиган бўламиз. Қўлимиздаги кичи чўнтагимиздаги қийимлик, парча-пурчаларни дуч келган жойга улоқтиришдан ибнамиз. Фаррошлар хизматини қадрийдиган бўламиз.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев иомли маҳаллада яхши бир ташаббуснинг шохиди бўлди. Шу куну маҳалла аҳли йилгилиб, кўча чеккасини навлалашган экан.

— Маҳалламиз марказига ёзда оқана сув чиқмайди, — деб тўшунтириди бизга оқоқол Қобил Зокиров, — Водопровод суви билан кўча чеккасиданги бу бир гектарга яқин майдондаги олмазорларимизни сугорйш қийин. Бунинг устига ичимлик сувини исроф қилиш уюл. Шуну назарда тутиб марказга паст ариқдан (оралиқ масофа 1 километрга яқин) қувур орқали сув олиб чиқмоқчимиз. Бу ишни хашар йўли билан амалга оширишмиз. Оқоқолнинг айтишича бу хашардан ҳеч ким ўзини олиб қочатгани йўқ.

Батён бировлар: «Маҳаллаларда бунақа ибратли ишларни қилиш мумкин. Лекин кўп қаватли уйларда буни амалга ошириб бўлмайди», дейишлари мумкин. Шундай дегувчилар айтиборида «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида олиб борилаётган ишлардан бир шингилли баён этмоқчимиз. Кўп қаватли уйлардан таркиб топан бу маҳалла бутунги кунда олб оғизга тушган. У озолидан ва орал-таликида маҳаллалардан қолшмади. Чунки бу ерда мавсумий хашарлар ўтказиш одат тусига кирган. Эшик остиини супуриб-сидириш оилаларнинг кундали юмушига айланган. Қўлаверса ҳар бир кўп қаватли уйга ботадиган бошлиқ сайлаб қўйилганки, у бу ишни назорат қилиб, оилаларини тартибга қайириб туради. Яқиндан бошлаб бу маҳаллада «Энг озода уй» таълиқнинг жорий этилганлиги нур устига нур бўлди. «Аҳлидан гап кўп» деб мана шунга айтаслар керакда.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

«НАВРЎЗ» ДЕБ АТАШДИ

ЎЗБЕКИСТОН маншйи техника ташкирлаш концернига қарашли «Феруз» заргарлик заводининг ишчи-хизматчилари баҳорнинг ажойиб байрами Наврўз арафасида бир неча килдиги асосий маҳсулотларини турларини пратишди. Улардан бири тилла заннор бўлиб, унинг номини «Наврўз» деб аташди. Янги маҳсулотни яратишда заводнинг фахрийларидан Жўра Зунов, Эркин Медеубек, Валерий Михайловлар уларини

нинг кўп йиллик тажриба ва маҳоратларини ишга солди.

Шунингдек концернга қарашли бошқа маншйи хизмат кўрсатиш ходимлари Наврўз байрамини ишонч-лаш ва бу кунга атаб янги маҳсулотни яратиш билан бир қаторда уларнинг касб байрамларини ҳам мазмунли й ўтказди.

Бу кўш са-нага бағишлаб тайёрланган халқ эстетиюли буюмлари, қўнчиликка манзур бўлди.

Ғули АБДУЛЛАЕВА.

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар маҳкамаси 1993 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикасида дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглатирилган бошқа чет эл ваколатхоналари фаолияти учун тегишли шарт-шаронини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги 247-сонли

— Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республикада ўз дип-ломатия ваколатхоналарини очиб истагини билдираётган давлатлар сони ошиб кетди. Албатта, бу қувончли ҳол. Юртимизда жаҳоннинг турли бурчакларидан келатган элчиюна ходимларининг ишлаши, дам олиши, яшаши учун зарур шарт-шаронлар яратиш дозаро вазибига айланди. Шу жиҳатдан қабул қилинган қарорнинг аҳамияти беқийсидир, унда белгиланган вази-фарларнинг бақарилиши аса ди-ринимз о бўрибунинг янада оши-шига хизмат қилади.

Энди бевосита қарорда бел-гиланган вазифарларга келсак. Унга кўра Юнусобод туманидаги Мар-каз-4 даҳасида жойлашган 10-уй биноси (унда «Ўзгаз» кафеси жой-лашган) ва Байналимал кўчаси-

қарорига қўнчиюналар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўз-бекистон Республикаси ташқи иш-лар вазириятининг дипломатия ва-колатхоналарига хизмат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Расулов бу ҳужжатни шарҳлаб, қўндагиларни сўзлаб берди.

даги бинолар мажмун бошқарма-миз тасарруфига берилди. Улар тўла таъмирдан чиқарилгач, бу ер-да фақат ваколатхоналарга хизмат кўрсатувчи дўконлар очиб, май-

Ваколатхоналар учун


ший хизмат кўрсатиш шохобча-лари ташкил этишни мўлажалла-миз. Бундан ташқари Байналимал кўчасида элчиюналар ходимлари-нинг ишдан сўнг дам олишлари учун клуб ташкил қилмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси жисмо-ний тарбия ва спорт давлат коми-

тети билан нелишган ҳолда элчи-юналар ходимларининг машғулот ўтказишлари учун шарт-шаронот яратмоқчимиз. Албатта бу спорт иншоотларида хизмат кўрсатиш сависиянинг аъло даражада бўли-шини талаб этади. Лекин қилинган сарф-харажатларнинг қисқа му-дат ичида қоплангани шубҳасиз.

Қурилиш, таъмирлаш ишларини «Топикентқурилиш» Давлат кор-порациясидан ташқари республика ташқи ишлар вазириятини қўшидаги «Ўздиққурилиш» фирмаси олиб боради. Шунингдек, яна бир фир-ма — «Ўздиқсервис» зиммаси-га дипломатия ваколатхоналар хо-димларига хизмат қилувчи махсус дўконлар очиб, уларни махсусот-лар билан таъминлаш вазифаси юктанган.

Ниятимиз ҳолис, юртимизда яшаётган ҳар бир хориклик дип-ломат ўзини уйидагидек ҳис эти-ш, ҳалқимизнинг нақадар меҳмон-дўстлиги, бағри кенглигини қалбан ангашини истаётимиз. Қўлаверса, дипломатия хизмат кўрсатиш са-вийаси жиҳатдан жаҳон талаблари даражасини таъминлаш пайти кел-ди.

Шухрат АРМОН ёзиб олди.



Физика-математика фанлари номзоди Рўзмет Жабборов Ўзбекистон Республикаси Фанлари академиясининг элчиюна институтига илмий ходим бўлиб ишлади. Айна пайтда бу илгануван олим тезкор ишларнинг қаттиқ жисси юзаси билан мўносаб-тига боғлиқ масалалар юзаси-дан тадиқотлар олиб бормоқ-да.

СУРАТДА: Рўзмет Жаббор-ганов.

* 23 март — Покистон Ислон Республикасининг миллий байрами

«ДОИМО БАХТЛИ БЎЛ, МУҚАДДАС ЗАМИН...»

Давлат маҳдисининг дўстлабни сатрлари ана шундай эгути тилдан бош-ланадиган Покистон Ислон Республикаси кўп жингалар юртимизга ўхшаб кетади: Тарихи, тақдир, халқининг меҳнатсеварлигиндан тортиб, қадимий анъаналаригача. Бунинг сабаблари бор. Юрдошимиз, улуг шонир ва саркарда Захириддин Му-хаммад Бобур барпо этган салтанат ўз аср давомидида халқларимиз ўртасиданги сиёсий, иттисодий, савдо ва маданий алоқаларни ниҳо-ятда мустаҳкамлаган эди. Мамлакатлар ўртасида қана-нага савдо қаровонлари қим-матбаҳо моллардан ташқари урф-одатлар, анъаналар, тур-ли расм-русумларини ҳам юрт-лардан юртларга элтар эди.

Шимолнинг чегараси респу-бликамизнинг жанубий чегара-синдан атғичи 100 километр на-рида жойлашган, аҳолисининг 93 фоизи мусулмон бўлган, 100 миллиондан ор-тиқ аҳолига эга мамлакат билан қадимий дўстона ало-қаларни янада ривожлан-тиришида Ўзбекистон муста-қиллиги янги уфқлар очди. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди.

Давлат раҳбарлари ва дип-ломатлар қадимдан халқ ор-зу-истакларини рўбёга чиқ-рувчи кишилар бўлиб кели-шган. Шу нуқтадан назар-дан қараганда мамлакатим-из Президентини Ислон Ка-римовнинг 1993 йилда По-кистонга расмий ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди.

У ердаги урчушулар, сўх-батлар, музоқаралар натижа-сида қўзланган аниқ мақсад-лар амалга ошди. Ўзбекис-тон ва Покистон ўртасида ма-даният, соғлиқни сақлаш, фан, техника, мутахассислар тайёрлаш, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот соҳа-ларида битимлар имзоланди. Бу тарихий ҳужжатлар халқ-ларимиз қалбиданги асрий ор-зу-умидларнинг рўбёга чиқ-ишига кенг имконият ярат-ди. Барча битимлар бутунги кунда амалиётга жорий этилмоқда. Ана шу ахдла-шулар меваси ўлароқ ҳозир республикамизда Покистон-нинг «Табани Корпорейшн», «Лахор», «Пна», «Метро гарментс» сингари ўнлаб фирмалари фаолият кўрсат-моқда. Турли қўшма корхо-налар, савдо шохобчалари барпо этилмоқда. Лахор шаҳ-рида Ўзбекистон — Покис-тон иттисодий ва маданий маркази фаолият кўрсат-ганни алоҳида таъкидлаш зарур. Топикент билан Ка-ротчи шаҳарлар ўртасида қамолетлар қатнови йўлга қўйилди. Бутунги кунда По-кистон халқро ҳаво йўлла-ри Токиенда ўз ваколат-хонасига эга. Демак, яна янги ҳаво йўллари бунёдга келди. Республикадаги Покистон элчиюнаси, Покистон элчиюнаси, Покистонда аса Ўзбекистон кон-сулхонаси фаолият кўрсат-моқда.

Покистон қишлоқ ҳўжали-ги машиналарига, турли са-ноат моллари ва сув ҳўна-лигида ишлатиладиган тех-

(Ў.А.).

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ

ЯҚИНДА шаҳримиздаги Отахонлар вайхонаси ҳар наҳосидан ҳам гажмук бўлди. Бу ерга Собир Ра-ҳимов туманидаги маҳалла-лар, узоқ-қичиндан келган табаркур отахонлар онахо-нлар ва нафақахўрлар, уруш ва меҳнат фахрийлари бир пиеда чой атрофида тўпла-нишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида судлов ҳайа-тининг раиси А. Ишметов раислигида, давлат айлони-ни қувватловчи Топикент шаҳар прокурори Э. Жўра-евнинг иштирокида Ўзбекис-тон Республикаси жиноят ко-дексининг 130-моддаси 4-қисми, 78-моддасининг 1-қисми, 78-моддасининг 3-қисми, 149-моддасининг 1-қисми ва 161-моддаси бўйича судга берилган Мо-вароуннаҳр мусулмонлари диний идора-сининг раиси лавозимига ишлаган соёқ муфтий Му-хаммад Соҳиб Муҳаммад Юсуф билан жиний тил бириктирган ҳолда диний идоранинг мулкни жу-да кўп миқдорда ўзлаштириб, талон-тарож қилганлиги, хусусан, диний идоранинг ҳисобиданги пулларга шахсий машиналар сотиб олганли-ларида айб эълон қилинган. Диний идоранинг бош хи-собиси лавозимига ишлаб келган Жаҳонгиров ўз хиз-мат вазифасини сунистеъ-мол қилиб, Муҳаммад Соҳиб Муҳаммад Юсуф билан бир-галикда, диний идорага хай-ри ишларига сарф қилган учун чет давлатлардан кел-мади тушган валюта мабла-

ларини мақсадга мувофиқ ишлатмасдан, шахсий ма-нафатлари учун ўзлаштирил-ган. Ҳамда диний идора ҳи-собиданги 200.000 АҚШ до-ларини Токистон Респу-бликаси мусулмонлари қозиб-ти ҳисобига қурол сотиб олиш учун ўтказилган. Ди-ний идорага шундай хара-катлари билан жу-да катта миқдорда моддий зарар ет-казилганлигида айб эълон қилинган.

Диний идоранинг хазина-чиси лавозимига ишлаган Муслимовга диний идора-нинг 1.457.436 сум пулини (1991 йил ҳисобидан) ўзлаш-тириб талон-тарож қилин-ганлигида айб эълон қилин-ган.

Ҳозирги кунда суд му-камаси давом этмоқда.

ликларини билдиришди. Игиллиш яқинда Ёлғиз некалар ва қарилар уйда яшовчиларга қимматбаҳо совгалар тақдим этилди.

Мавлуда ЮСУПОВА,

Собир Раҳимов тумани ижтимоий-таъминот бўли-ми мудирининг ўринбо-сари.

«Юлдуз» тикувчилик иш-лаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси томонидан ишчиларни ижтимоий жиҳат-дан муҳофазалаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Корхона каса-ба уюшмаси раиси Қумри Маҳмудова бизга бу ҳақда қўндаги гапни таъриб бер-ди:

* Касаба уюшмалари фаолиятдан

ЖАМОА ТАЯНЧИ

— Бирлашмамизда ёш ои-лаларни моддий рағбатланти-риш, янги туғилган чақалоқ учун суночи пуллари ажра-қот, яқинлари вафот этган ишчилар оилаларига пул ердами кўрсатиш каби кўп-лаб юмушларни касаба уюш-маси ўз зиммасига олган. Бундан ташқари ишчиларга бериладиган кўнлик йўл ҳа-қи — 200 сум, овқат ҳақи — 500 сум миқдорда белги-ланди. Корхонада ўртача ой-лик 106 минг сумни ташкил этади. Ёнги яхши, илгор жа-моатчиларни рағбатланти-риш учун 1000 сумдан маб-лағ ажратилди.

Ҳозирги иттисодий қи-йинчиликлар даврида корхо-налар хом ашё йўлнинг са-бабли бир сменда иш юри-ти турган бир вақтда юл-дузчилар хали бу қийинчи-ликларга дуч келганлари йўқ. Барча цехлар икки сменда ишламоқда. Бирлаш-ма маҳсулотларига бўлган талаб аса борган сайин ор-тиб борапти. Бу ерда тикил-ган аёллар костюмлари, халатлар, ёстиқ, кўрпа жилд-лари, болалар кийим-бош-лари ва бошқа маҳсулотлар фақат республикамиздагина эмас, балки Ҳамдўстлик дав-латларига ҳам сотилапти.

Ўтган йилда корхонамиз 9 миллирдан 590 миллион сумлик даромад олганди. Бу йилда аса бирлашмамиз жа-моаси 26 миллирдан 700 мил-

лион сумлик даромад олиш учун гайрат ва шижоат бил-лан меҳнат қилмоқда. Ҳар соҳанинг ўз илгорлари бўлгани каби «Юлдуз»нинг ҳам ўз илгорлари бор. Кор-хона жамоатчилиги улар бил-лан фахрланади. Бирлаш-манинг аҳил жамоаси ўз ол-дига қўйилган режаларни ҳаммаша орғини билан адо

этади. Илгорлар аса ҳар бир цехда бор. Нигора Мамаме-това, Мавжуда Тўлаганова, Феруза Усмонова, Хурсана Худойберганава сингари кў-ли гул тикувчилар «Юлдуз»-нинг юлдузларирид. Улар ўз меҳнатсеварлиги, тиришқоқ-лиги билан жамоатчилиги хур-мат-эътиборига сазовор бў-либ желялтилар.

— Бирлашмада ишчи-ёш-ларнинг буш вақтларини унумли ўтказиш учун «Дил-рабо» ашула ва рақс дастаеи-ни ташкил этганимиз. — дей-ди Қумри Маҳмудова. — Мир-жон Нафоев раҳбарлигидан бу даста фақат корхонага эмас, туман, шаҳар бўйича ўтказил-ган тадбирларда ҳам ўз куй ва қўнчилари билан қат-нашиб келаяпти. Улар икзо-сиданги қўнчилар республика радиосининг олтин фонддан ўрин олган.

Зилола Ёқубонова, Саи-да Ҳўжаева, Лола Назарова сингари хаваскорлар байрам тадбирларида корхона ишчи-хизматчиларининг қўнги-ларини хушнуд қилмоқдалар. Корхона хизматчилари учун шифохона, дорихона, болалар боғчаси, дам олиш масканлари ўз эшикларини очган. Корхонада миллий таомлар, тандини нонлар тай-ёрланади. Албатта буларнинг барчаси ишчиларга вақтин тежашга имкон беради.

Мария ИБДУЛЛОХ.

ШИФОХОНАДА ЯНГИ БЎЛИМ

СОҒЛОМ авлод қамолотини белгилловчи оимилар шу қадар кўпки, бу борада онанинг жин-сий жиҳатдан соғломлигининг ўзи кифоя қилмайди. Биноба-рин, фарзанд баркамоллиги онадаги юрак, ўпка, жигар, бўйрак, ошқозон-ичак ва бошқа аъзоларнинг соғломлиги бил-лан бевосита боғлиқдир. Шун-га кўра соғлом авлодни тар-биялаш тўғрисидаги Президи-нтимиз Фармонлари юзасидан шаҳримиздаги 1-клиник ке-салхона жамоаси амалий тад-бирга қўл урди. Бу ерда 30 ўрмин янги экстрагентал хасталиклар бўлими очилди.

— Янги бўлимда экстраген-тал, яъни аёллардаги жинсий бўлмаган, жумладан юрак, бўйрак, жигар, ўпка, ошқо-зон-ичак касалликлари даво-ланади, — дейди касалхона бош шифокори ўринбосари

Бахтиёр Исмолов. — Шунга кўра бу ерда даволаш иш-ларидан ташқари тахис қўйиш ва маслахат хизмати ташкил этилган.

— Бу ерда фақат ҳомила-дор аёллар даволанса ке-рак!

— Бўлимда асосан ҳомила-дор аёллар даволанишди. Аммо ҳали ҳомиладор бўлма-ган аёлларни ҳам қабул қила-миз. Мақсадимиз — уларни ҳомиладор бўлишга тайёр-лашдир. Ахир ҳар қандай хасталикни даволашдан кўра унинг олдини ўз вақтида олган маъқул. Бир сўз билан айт-ганда, беморларнинг тугиш ашдаги аёллар бўлади.

— Маэзур бўлимининг тера-певтик хасталикларни даво-ловчи бошқа бўлимлардан фарқи нимада?

— Янги бўлимининг ички ке-

саликларни даволловчи бош-қа бўлимлардан фарқи шунде-ки, бу ерда юрак, ўпка, бўй-рак, ошқозон-ичак ва жерроқ-ли хасталикларини даволловчи шифокорлар ўз фаолиятлари-ни бевосита гинеколог шифо-кор билан биргаликда масла-хатлашиб олиб боради. Шун-дай экан, маэзур бўлимининг соғломлаштириш қамолати бошқа бўлимларга нисбатан юқори бўлади.

Бўлимдаги кичи кишилик беморхоналар кенг ва афру бўлиб, унда барча шаронот-лар муҳайи. Ҳар бир беморхо-неда телевизор, музлатник, шкаф, юмшоқ меъбел мав-жуд. Энг муҳими, бу ерда олиб бориладиган даволаш иш-лари фақат соғлом фарзанд туғилишига қаратилган.

Абдулмалик АБДУРАҲМОНОВ.

* Мутасаддилар фикрича...

МАЖБУРИЙ ТАРЗДАГИ ЧЕГАРАЛАШ

О Кейинги пайтларда метро кассаларига йўловчиларга утқадан жетонлар берилб бошланди. Ҳўш, ана шундай чегара-лашнинг бонси нимада?

Топикент оқшоми мухбири ана шу савол билан Топикент метрополитани бошлиғи Ш. Р. Шобдуррахимовга мурожаат қилди.

— Биз шундай чораларни кўришга мажбур бўлдик, дейди Шонноҳот Раҳимович. — Чунки ҳеч қандай сабаб-сиз тарзда қатнаш миқдорда жетонларнинг қайтмаслик ҳо-лати юз бермапти. Ҳар куну қарийб 40—50 минг дона шундай жетонлар кам қайт-моқда. Ҳаркўш шаҳрида пастмассадан тайёрланган 7 миллионга жетондан бутунги кунда метрополитан иктири-да бор-йўти 1 миллион дона-дан сел аэдрок жетон қолди.

холос, 60 минг магнит карт-касиендан аса бирорта ҳам қол-мади. Афтидан буларни со-тиб олган киши



ЎЛКАМИЗДА яна баҳор нафаси! Далалар, боғлар уйғонмоқда. Саҳий табиат борлиқни яшил либосга бурнаш учун бор меҳр-муруватини аймақти. Табиийки, бундай пайтда экин-тикин ишлари авжига чиқади. Шу боис ҳам томорча хўжаликларига бўлган хонадон эгалари турли хил юмушлар билан куймаланишгаётганининг гувоҳи бўламиз. Бутун борлиқ қизиқ, она замин уйғонаётган ҳозирги дамдаги вазифалар нималардан иборат?

Ҳар йили ўз томорчаларида турли хил маҳсулотлар етиштириётган ҳамшаҳарларимиз аввало ерга турли ишлов бериш мўл ҳосил гарови аниқлигини яхши билишади. Агар ер кузда чопиб қўйилмаган бўлса бу ишга дарҳол киришадиган вақт келди. Бунинг учун кетмондан кура белкурдан фойдаланган маъқул. Сабаби, ер ҳам чуқур чопилади, ҳам осонгина кўчади. Яхшилаб чопилгандан кейин егат олишдан олдин юза қилиб маҳаллий ўғит сочиб юбориш зарур. Шундай қилинганда у тупроқ билан аралашиб яхши самара беради.

* Шу куннинг юмушлари ТАДБИРКОР БЎЛСАНГИЗ ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Ер тайёр ҳолга келтирилгач эгитлар экиладиган экин турига қараб катта-кичи олинаши мумкин. Бунда албатта сувнинг қайси томонга юриши ҳам иноватта олинади. Янги пайтда редисқа ёки турли кўчатларнинг уруғини сепсангиз баҳор егиларини билан тезда узиб чиқади. Яна бир томони, улар ўрнида такрорий экинлар ҳам етиштириш бўлади. Шунинг учун, кўчатлар қалин экилган, илдизлари юза жойлашганлиги туфлини нам, органик молдига бей ерларга жойлаштирилиши лозим. Кўчатнинг турмушшароитида кўл ишлатилганда укроп уруғи сепилгандан кейин 30-40 кун ўтат этилади. Уруғи сепилиш учун эгитлар ҳасак ёрдамида тирмаланди ва уруғ тўнғач, гўнг ёки қинч сепилади. Устидан полиетилен пленка ёки кўйсангиз янада яхши, тезроқ этилади. Худди шу йўсинда кўчир, исмапоқ, салат ва бошқа резаворлар етиштирилади. Кўчатлардан нашинч барги укропга ўхшаб йил бўйи истеъмол қилинади. Уни ҳар 2 ойда сепиш керак. Чўнқ 1-2 ўрмидан кейин ҳосили камайди. Исмапоқ унбо чўнқдан сўнг бир, бир ярим ойда этилади. 8-9 даража совуққа ҳам чидамай. Исмапоқ 2—3 қатор ёни сочма қилиб 2 сантиметр чуқурликда сепилади. Ўз вақтида суғоришиб, бегона ўтлардан тозаланиб, қатор оралари юмтиб турилиши лозим. Таърибқорларнинг таъкидлашича, кўчатлар ва редисқа тез етилган, арзонча тушиши билан бирга хонадонингизни керакли дармондорилар билан таъминлади. Яна шуниси диққатга сазоворки, уларнинг майсалари дарахтлар остида ҳам ўсаверади.

Томорчага экиладиган барча экин турларини ҳозирдан режалаштириб, тайёрларки кўриб қўйиш зарур. Кўчатлардан бўшалам майдонда помидор, бўлгор қаламшири, байлажон етиштириш мумкин. Янги пайтда эртаги нарам кўчатлари экилса ёки барра пива уруғи сепилса ҳам бўлади. Бундай юмушлар олдига томорчанинг кўчаллигига қараб, онда аъзолари билан баъсалоҳат амалга оширилади. Ўйлашганимиз, тадбирдорлик билан иш қилсангиз арзанимган жойда хонадонингизни бемалол сазавот ва кўчатлар билан таъминлашингиз мумкин.

Сайфулла ШОКИРОВ,
ҳаваскор боғбон.

* Ўлкамизнинг шифобахши неғматлари АРПА ВА УНИНГ ҲОСИЯТИ

АЖКАМ подшоҳлари унбо чикчан арпаини яхши аломати бор, деб ҳисоблаганлар. Чўнқ бу ўсимлиқнинг фойдаси кўп. У егулик бошқа ҳамма доллардан тез пилинади. Йилг кун ичида омордан оморга тушади, дейдилар. Қаерга ташламанг, ҳамма ерда унади ва барча ўсимликлардан тезроқ кўнаради.

Арпа дорилликлари ҳам, емакка ҳам яради. Айтишларича, унбо истеъмол қилганда қон ҳеч қачон бузилмайди ва томирдан қон олишга ҳожат қолмайди. Яна у қон ва сифро касалликлари олдиди олади. Ироқ табиблари арпани «жааб қутлуғ дои» дейдилар. У маълум йигирма гўрт хил — қуюқ, зотилам, беақ, терлама, йўтал, иситма, силла қуриши, сил, қабзат ва сувчечак касалликлари даволашда фойдаланилди. Шунингдек, кўкрак, бирин, илгар, қорин, суниқ сийниқ, бўғин оғриғи ва тизилган қорин дори сифатида фойдаланилди.

Арпа мўйи сарик қичма, бугдой мўйи эса қоричимани йўқотди. Агар арпа кенгайиб қозонга солиб яхшилаб қайнатилса бу оёқ суниқ қучси ва оёқда тик туролмайдиганларга асқотари. Биронта одамнинг оёғи, тизасида чангак касали бўлса оёғини арпа сунига солиши зарур, шунда у тузалиб кетди.

Бағдода арпани қайнатиб, суниқ силқитлади, сўнг яна бир марта суниқ буғулиниб кетгунча қўнжуқ ёни билан қайнатилди ва бу ё сарик шинча суртилади.

Айтадиларки, агар ой тутилган пайтда арпа сепиш мумкин бўлса оспадилар, ундан қилинган нон телбаларга шифо бўлади. Агар арпа сепилмаган пайтда ой катталашиб, Зухрога қарама-қарши турса ва ориқ от шу арпани еса, у семиради.

Йилнинг яхши ёни ёмон келиши ҳам арпага қараб аниқланади. Агар арпа тик ва қалин ўсса, бу йил серҳосил, агар қийиқ ва ланкам-дукам ўсса, демек нам ҳосил бўлади. Арпазордан сизиб чиққан сув чарчоқни камайтиради ва қорин оғриғини тўзатади. Унбо ичкан одам кейинги йил арпа пишувига қадар касалликлар ҳамма чанқоқ азобидан ҳоли бўлади. **В. МАЖИДОВ,** биология ўқитувчиси.

АЙНИ пайтда шаҳримиздаги бозорлар ва одамлар гавжум жойларда турли хил мевади кўчатлар савдоси ташкил этилган. Биз бу борадаги аҳволини билиш мақсадида Ойиб бозорига бордик. Қатор турли кўчат савдо қилаётган боғбонларни суҳбатга тортган.

Менга кўчат етиштириш бозордан мерос, — деди ўзини Абдумутал Абдуҷабборов деб таништирган киши. — Аяча йиллардан бери умр йўлдошим ва тўрт фарзандим билан биргаликда мўжазгина боғимизда ниҳолларни парваришлаймиз. Бу йил шафтоли ва олманинг энг сара навларидан бозорга олиб келдим. Асосий мақсадим уларни сотиб, пул топиш эмас, балки ҳамшаҳарларимизни турли хил мевадор билан баҳраманд қилишдир.

Бозордаги нарх-наво тез-тез ўзгариб турибди, — суҳбатга қўшилди Қашқадарё вилояти, Китоб туманидан келган Муродқул Иброҳимов. — Бутун ғилоснинг бир тупини 4000 сўмдан сотсам, эртага нархи ошиб кетиши мумкин.

Ҳар ҳолда томорчасига кўчат ўтказган киши ютқазмайди. Биз шафтоли, олма, ғилос каби кўчатларни харид қилаётган ҳамшаҳарларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам қизиқдик. Ҳам

* Кўчат экин, боғ яратини! ХОНАДОННИНГИЗГА БАРАКА КИРСИН

за тумани Перов кўчасида яшовчи Муҳаббат Хусанованинг айтишича, ҳар йили шу ерга келиб, турли хил мевади дарахтларнинг ниҳолдан сотиб олади. Ҳозир эса анжир ва шафтоли кўчатини харид қилибди. У киши онла аъзолари билан ҳовлида боғ етиштирибган экан.

Кимдир олма, олча кўчати сотиб олса бошқа биров олхўри, нок ниҳолларини харид қилапти. Бу ерда гул буталари ва жонли деворлар савдоси ҳам ташкил этилган.

Шаҳарлиларнинг кўчилиги кўп қаватли уйларда турилади. Шу босдан бўлса керак, ҳозирча кўчат олувчилар кам, — деди Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳридан хурмо олиб келган Илҳом Сатторов.

Ўлкамизда баҳор фасли, Наврўз айёми ташриф буюрган айни дамларда пойтахтимиздаги Чорсу, Фарҳод, Аҳмад Дониш ва бошқа бозорларда ҳам турли хил мевади дарахтлар ниҳоллари савдо қилинаётган расталарни кўриш мумкин. Қўлларидан кўчат кўтариб кетаётган ҳамшаҳарларимизни кўриб қўзингиз қувнайди. Ҳадемай хонадонларнинг олди, кўчалар, майдонлар яна яшил либосга бурланади. Энг муҳими, кўчатлар орқали уйимизга барана киради.

Дилдора ОРИПОВА.



Фарзандларимиз томорча юмушларига боғлиқдан ўргатиб боришса, юзга етгач дарахтлар парвариши, экин-тикин ишларини ўзлари мустақил бинарайдиган бўладилар. Пойтахтимиздаги 23-мактабда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Болалар биология ўқитувчиси Анвар ҲАКИМОВ



раҳбарлигида боғ-томорча юмушларини сиқидиқидан ўрганмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: биология ўқитувчиси А. ҲАКИМОВ ва ёш боғбонларни кўриб турибсиз.

Рахил Альбеков суратлари.

* Мутахассис маслаҳати

Серҳосил олма навлари

КЕИНИГИ пайтда боғдорчиликда бир қанча ўғарилар рўй берибди. Олма ва нок кўчатлари пана пайвандтагларда ўстира бошланди. Бу кўчатлар бирмунча қалинроқ қилиб экилади. Олма-нинг энг паст бўйли пайвандтаги парадизка, ўртача пайвандтаги дусен ҳисобланади. Паст бўйли пайвандтаглар қаламчиси, илдизи, тик, ётиқ аралаш парҳизи қилиш йўли билан кўпайтирилади. Олма, нок, ўрик каби мевадорнинг кучли пайвандтагларига эса асосан уруғи орқали етиштирилиб, улар кўчатларга кўртан пайванд қилиб кўпайтирилади.

Олма навларидан парадизкага пайванд қилиб кўпайтириш учун олманинг эртаги навларидан Самарканд тўғичи, Тошкент боровинкаси, кузги навларидан Жоната, Голден Делишес, Ред Делишес, Пармен зимний золотой, кишки олма навларидан Оқ розмарин тасвия этилади.

Олманинг ўртача кучда ўсадиган пайвандтаги ҳисобланган Дусен эртаги навлари олма навларида — Тошкент боровинкаси, Ред мелба, кузги навларидан Жоната, Пармен зимний золотой, Голден Делишес, Ред Делишес, кишки навларидан Ренет Симиренкани кўпайтириш мумкин.

Кўчатлар юмшоқ ерга экилиб, кетма-кет сув қуйилгандан кейин тупроқ зичлашиб «ўтирибди». Натигада кўчатлар бир томонга қараб қисман қийшайди. Қийшайган кўчатларини ер қатламидан нам кетмасдан туриб таянсан соғинаста тикланади ва кўчат атрофи, оёқ учин билан босиб қўйилади. Ниҳоллар экиб бўлигандан кейин пешма-пеш ер устки қисмидаги ён ва марказий новдаларни ўтир тор қайчи билан кесилади.

Ёл кўчатлар орасидаги ерлар-

га бир неча йил сазавот ва бошқа экинлар экиш мумкин. Кўчатларнинг атрофлари 20 сантиметр чуқурликда юмшатилади. Ҳар бир сўғириндан кейин ер етилиши билан юмшатилади.

Терак қаламчалардан кўпайтирилади

ҲОЗИРГИ кунда томорча ерлари, ариқ ёқалари, хивобонлар ва алоҳида участкаларда қимматли қурилиш хом ашёси ҳисобланган терак кўчатларини экишга катта аҳамият берилмоқда. Ота-бобола-римиз қадимдан терак етиштиришга эътиборни қаратишган. Ондада Фарзанд туғилганда 21 дона терак кўчати экилган.

Оқ, кўк ва бошқа терак навлари бир йилда сўғирилгандан ерларда 4—5 метр узунлида ўсади. Терак тез ўсиши билан бошқа дарахтлардан катта фарқ қилиб, осонгина, бир йиллик қаламчалари орқали кўнади. Узунлиги 25—30, ёғонлиги 1—1,5 сантиметр келадиган қаламчалар экилганда улар тезда бақувват илдиз олади ва ер устки қисми 4—5 метрча баланд бўлиб шох-шабба бериб ўсади. Қаламчалар бир йиллик новдалардан тайёрланади. Терак қимматбаҳо қурилиш ашёси бўлиши билан бирга ҳавони газ ва чанглardan тозалаб, ташқи муҳитни мусалло қилади. Ёзда иссиқ ҳавони бирмунча пастайтиради.

Маълумки, кейинги йилларда қурилиш ашёларига талаб ошиб бормоқда. Мана шу ахтёбнинг тўлиқ қондиришда терак кўчатларини экиб, ёвоч етиштириш катта аҳамиятга эгадир. Ер қатламидан нам қочмасдан қаламчалар экилса, улар дарҳол илдиз олиб, барг ёзиб, шох-шабба бериб ўсади.

Мирзохид СОБИРОВ,
Махдий РАЗОҚОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари.




Баҳор келиши билан оқ-нинг ҳар бир аъзоси мана шу тезда ҳашарга чиқади.

Мирзохид Қодиров сурати.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРAT ЖАМГАРМАРИ ВА ЭЪЛОНАЛР

«Ўзбекистон давлат цирки» Республика бирлашмаси



ТОШКЕНБОЙ
ЭГАМБЕРДИЕВ
НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ
ЦИРКИДА

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
Ўқувчиларнинг баҳорги таътил кўчалари:
22 МАРТДАН 31 МАРТГАЧА
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ
Дастура: акробатлар, гимнастикачилар, жонглерлар, акробатлар, ўратилган айқилар, бўма илонлар, кучулар, нагларлар ва бошқалар. Масхарабозлар гуруҳи бор.
ТОМОШАЛАР: 23, 24, 25 март соат 15.00 да; 26, 27, 28, 29, 30, 31 март соат 12.00, 15.00 да БОШЛАНАДИ.
Олдиндан чипта сотиш ташкил этилган.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш кўли билан сотилади.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Иссиқлик тармоқларини 1994-95 йил иситиш мавсумига тайёрлаш ҳамда иситиш тармоқлари ва тизимларининг мустаҳкамлигини аниқлаш учун иссиқлик даражаси синовларини ўтказиш муносабати билан соат 7.00 дан 23.00 гача КЎЙИДАГИ ТУМАНЛАРДА

иссиқ сув таъминоти узиб қўйилади; болалар, даволаш ва ўқув юртларида эса иссиқ сув ва иситиш тизимлари ҳам узиб қўйилади:

29 мартда — «П Шимолий-Шарқ», «Юнусобод» даҳалари, «Қорасув», «Черданцев», 1-«Қораканши» микрорайонлари, «Геофизик» қўрғони, Бинокор, Амир Темур, Ж. Обидова, Ҳамза, Металлистлар, Қорасарой, Шамсуддинова, Бобононов кўчалари, Марказ-12, 13, 15, 17, 18, 6, 5 мавзелирида (қисман).

30 мартда — «Чилонзор» даҳасининг 5—12, 16—20, 20«а», 26-мавзелири; Дўмбуробод», «Оқтепа», «Ал-Хоразмий» (қисман) даҳалари, Фарҳод, Саломатини (қисман) кўчаларида.

31 мартда — «Високосоль» даҳаси, ТошГЭС микрорайони, Интернациональная, Наманган, Ж. Обидова, Муминова, Эргашев, Новомосковская, Гўшкни, Достигон, Генерал Петров, Буюк Ипак йўли, Комсомол 40 йиллиги, Тимирязев, Володарский, Троллейная, Ф. Хўжаев (қисман) кўчаларида; Аграр университети, Академиклар шаҳарчаси, М. Горький шохқўчасида.


1994 йил 31 мартдан 21 апрелгача қўйидаги туманларда иссиқлик тармоқларининг юқори босимга чидамийлигини аниқлаш синовлари ўтказилади: Акмал Иброҳим туманида — 1 ва 5 апрелда; Миров туманида — 31 март ва 20 апрелда; Мирзо Улугбек туманида — 1 ва 11 апрелда; Собир Раҳимов туманида — 12, 14 ва 19 апрелда:

Сирғили туманида — 31 март ва 13 апрелда; Ҳамза туманида — 1 апрелда; Чилонзор туманида — 1 апрелда; Шайхонтохур туманида — 12 апрелда; Юнусобод туманида — 11 ва 14 апрелда; Яққасарой туманида — 1, 12 ва 20 апрелда.

Гидравлик йўқотишларга доир синовларни ўтказиш муносабати билан иссиқлик тармоқлари иссиқ сув бериш узиб қўйилади:

5 апрелда — Бобур, У. Носир, Муқимий, Саломатин, Новополторацкий, Шевченко, Лохутий кўчалари, Марказ-4 ва 5 мавзелирида; 7 апрелда — Ҳўйғур, Беруний, Генерал Узоқов, Нисов, Навоий, Хўжаев, Ўзбекистон кўчаларида.

ЭЪТИЁТ БЎЛИНИ!
Иссиқлик тармоқига иссиқ сув пайдо бўлганлигини, ўқон ҳосил бўлганлигини сезанган, зудлик билан «Таштёпел» диспетчерига 33-32-32, 56-45-24 телефонлари бўйича хабар бериш. «ТАШТЁПЕЛОСЕТЬ».



АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Собиқ Иттифок жамғарма банки сертификатлари эгаликлари манфаатларини ҳимой қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасалари томонидан берилган

СЕРТИФИКАТЛАРИНИ

БАРЧА ЖАМГАРМА БАНКЛАРИ

1994 йил 1 апрелгача сотиб олади

Сертификатлар бўйича компенсация тўловлари ва фоз дароҳадлари шартларга асосан тўланади. Жамғарма банки муассасаларига сертификатларини саклаш учун топширган фуқаролар ҳам, жамғарма банкларига шу йилнинг 1 апрелигача ўз сертификатлари қийматларини олиш учун мурожаат қилишлари лозим.

1994 йил 1 апрелдан сўнг сертификатлар тўловига қабул қилинмайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЖАМГАРМА БАНКИ

БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАРЧА

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНА

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1994 йил 1 апрелда

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Адлия бошқармаси билан ҳуқуқий маслаҳатчиларни қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш учун

ШАРТНОМА ТУЗИШ МУДДАТЛАРИ

ТУГАЙДИ.

(1993 йил 2 март 118-сон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори).

Манба: ҳокимият; Тошкент шаҳри, Сайилтоҳ йўчаси, 5-уй.

Телефонлар: 33-53-54, 33-24-12.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИНИНГ

АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ.

Яққасарой тумани соғлиқни саклаш бўлими ва 5-шаҳар клиник касалхонасининг ходимлари шу касалхона бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор

Одильжон МУМИНОВнинг

бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот номинида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 10.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 33-29-70;
эълон ва тижорат

хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-61-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва ўқирлиги учун жавобгарлиги уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ, Обфет. Қотга бичими А — 2. Напр кўрсаткичи 6460.

■ Босмага бериш вақти 11.30

■ Босмага берилди 11.20.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Вуярута Г—846

15196 кўсада.

123456